

7-10-2019

## THE ISSUES OF HUMAN UNROLLED INSTRUCTION IN MAXDUMI AZAM.

Abdulvohid Orifxujayevich Nuriddinov  
*Namangan state university*

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu>



Part of the [Education Commons](#)

---

### Recommended Citation

Nuriddinov, Abdulvohid Orifxujayevich (2019) "THE ISSUES OF HUMAN UNROLLED INSTRUCTION IN MAXDUMI AZAM.," *Scientific Bulletin of Namangan State University*: Vol. 1 : Iss. 3 , Article 27.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu/vol1/iss3/27>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific Bulletin of Namangan State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact [brownman91@mail.ru](mailto:brownman91@mail.ru).

---

## THE ISSUES OF HUMAN UNROLLED INSTRUCTION IN MAXDUMI AZAM.

Cover Page Footnote

???????

Erratum

???????

УДК: 101.9

**МАХДУМИ АЪЗАМ ТАЪЛИМОТИДА КОМИЛ ИНСОН ВА УНИНГ  
КАМОЛОТИ МАСАЛАЛАРИ**

Нуриддинов Абдулвоҳид Орифхўжаевич

Наманган давлат университети

[abdulvohidjon.nuriddinov@mail.ru](mailto:abdulvohidjon.nuriddinov@mail.ru)

***Аннотация.** Ушбу мақолада муаллиф буюк мутасаввиф олим Махдуми Аъзамнинг комил инсонни шакллантириш борасидаги қарашларини мутафаккирнинг илмий-фалсафий асарлари таҳлили асосида, бугунги кундаги долзарб бўлган баркамол инсонни тарбиялашдаги аҳамиятини кўрсатиб беришга ҳаракат қилган.*

***Калит сўзлар:** Комил инсон, ақли авал, нафси аввал, тақво, зикр, руҳий камолот, узлат, таркидунё, мушоаба, мушоҳада, муҳосаба, зикри хуфия, илоҳий руҳ, ҳайвоний нафс, инсоний нафс, руҳ ва тан, тавҳид, бунёдкор гоилар.*

**ВОПРОСЫ ВОСПИТАНИЯ ЗРЕЛОГО ЧЕЛОВЕКА В УЧЕНИИ МАХДУМИ  
АЪЗАМА.**

Нуриддинов Абдулвоҳид Орифхўжаевич

Наманган давлат университети

[abdulvohidjon.nuriddinov@mail.ru](mailto:abdulvohidjon.nuriddinov@mail.ru)

***Аннотация.** В данной статье автор на основе анализа научных произведений выдающегося представителя суфийского течения накшбандия в Центральной Азии Махдуми Аъзама стремился показать пути и условия совершенствования и воспитания всесторонне развитого человека, место и значения учения мыслителя в формировании зрелого поколения.*

***Ключевые слова:** зрелый человек, начальный ум, духовная зрелость, аскетизм, уединение, затворничество, ожидание, наблюдение, отчетность за каждое деяние, божественный дух, животный дух, единство тела и духа, созидательные идеи.*

**THE ISSUES OF HUMAN UNROLLED INSTRUCTION IN MAXDUMI AZAM.**

Nuriddinov Abdulvohid Orifxujayevich

Namangan state university

[abdulvohidjon.nuriddinov@mail.ru](mailto:abdulvohidjon.nuriddinov@mail.ru)

***Abstract:** In this article the writer tried to show the role and importance of ideas by great intellectual Maxdumi Azam in the upbringing of a person concerning his own works which is applied to educate idea person.*

**Key words:** perfect person, perceptive passion, taqvo, zikr, spiritual maturity, uzlat, abandonment of world, proximity, observation, muhosaba, zikri xufiya, dtvine spirit, personal passion, spirit and body, tawhid, builder ideas.

Инсоният қадим замонлардан доимо баркамол инсон ҳақида орзу қилиб келган. "Авесто"дан "Қуръони карим"гача барча муқаддас китобларда бу масала қўйилган. Буюк файласуф ва ҳикмат аҳллари Суқроту Афлотун, Форобий, Ибн Сино, Навоий ва ундан кейинги даврларда ҳам бу масала юзасидан фикрлар билдирилган.

"Авесто"да инсон ҳаётининг моҳияти ҳалоллик ва покликдир. Инсон "эзгу фикр", "эзгу калом" ва "эзгу амал" орқали ёмонлик билан курашади.

Эзгу фикр, эзгу калом, эзгу амал инсонни комиллик сари етакловчи биринчи руҳ бўлиб, унга эришган одам Аллоҳ таолога яқинлашиб боради.[1-231] Ҳақ йўлида эзгу амаллар ила ахлоқий покликка эришган, шуурини тазарру тўлқинлари эгаллаган инсон моҳияти кейинчалик ўрта асрлар фалсафасининг тасаввуф оқимида ўз тараққиёт ўзанига эга бўлди.

Инсон фикри, сўзи ва иши билан гўзалдир. Худди мана шу фазилатларнинг муштараклиги инсон қалби ва амалларининг гўзаллигини белгилайди.

Тасаввуф таълимотида комил инсон муаммоси асосий тадқиқот объекти ҳисобланиб, унда бу масала жуда чуқур ва кенг таҳлил этилган. Тасаввуф таълимоти учун бу назария эмас, балки амалий масала бўлган ва тариқатларда инсоннинг камолотга етиш йўли ва услублари ишлаб чиқилган. Зеро, мутасаввифларнинг таъкидлашича, комил инсоннинг сийрат ва суратида илоҳийлик ва инсонийлик мужассамдир, зотан илоҳийликни инсонийликдан ва инсонийликни илоҳийликдан ажратиб тасаввур этиб бўлмайди. Тасаввуфдаги комил инсон тушунчаси илоҳийлик ва инсонийлик тажаллийсининг мукамал ва олий даражаси, барча инсон зоти ягона илоҳий жавҳарнинг шуъласи, тажаллийсидир. Шунинг учун борлиқдаги барча мавжудотлар уни ҳурмат - эҳтиром қилмоқлари, унга хизмат қилмоқлари зарур.

Комил инсон тушунчаси биринчи марта Шайхи Кабир номи билан машҳур бўлган Муҳйиддин Ибн-ал Арабий (1165-1240й.) томонидан муомалага киритилганини қайд этмоқ жоиз. Ибн-ал Арабий наздида "комил инсон-бу ақли аввал ёки нафси аввал, ақли кул"[2-145] тушунчалари билан маънодошдир. Чунки Тангри таоло илоҳий нурдан илк марта ақли аввални яратди ва унинг сурату шаклини комил инсон қиёфасида зухур этди.

Шайх Азизиддин Насафий руҳ нури ҳақида гапириб; "Дунёнинг барча кишилари бу нурни излаб талпинадилар, аммо улар бу нурни ўзларидан ташқарида излайдилар ва қанча излансалар ундан шунча узоқлашадилар"[4-147], - деб таъкидлайди.

Азизиддин Насафий ўзининг “Зубдат-ул-хақойиқ” номли асарида Арасту ҳамда унинг шарқлик издошлари Форобий ва Ибн Сино қарашларини исломий нуқтаи назардан холислик билан баҳо беради. У инсон тараққиёти ва руҳий камолоти ҳақида шариат аҳлининг ҳам, ҳикмат ( фалсафа ) аҳлининг фикрларини қайд этиб, уларни учинчи, юксак даражага – тасаввуф аҳли тафаккурига олиб келувчи поғоналар тарзида талқин этади. Мутафаккир Арасту изидан бориб, “Инсон ҳам ҳайвон турларидан биридир, - дейди ва сўзида шундай давом этади: “- Эй дарвеш, айнан ҳайвон руҳи тарбия топиб, таълим ва таҳсил кўриб, билиш, такрорлаш, тақво ва зикр туфайли даражалар бўйлаб ривожланади” [5-42]. Азизиддин Насафий тасавуридаги комил инсон, энг аввало, гўзал ахлоқ эгаси, юксак инсоний фазилатлари, муқаддас руҳнинг ердаги вазифаси ҳалоллик ва ростгўйликни қарор топтириш, ёмон расм-русумларни йўқотиб, яхшиликка, эзгуликка бошлайдиган қонун-қоидаларни жорий этиш, одамларни соф эътиқод –Худога томон даъват қиладиган инсондир.

Тасаввуфда танани инкор этиб, чилла, узлатда ўтириш, тарки дунё қилишни тавсия этган таълимотлар бор. Лекин тана ва руҳга меъёрда муносабатни талаб этганлар ҳам бор. Шулардан тана ва руҳ масаласини меъёрда туриб ҳал қилган таълимот нақшбандиядир. Чунки бу таълимотдаги “Даст ба кор” (қўл ишда) - талаби тананинг зарурлигини билдирса, “Дил ба Ёр” (қалб Ёрда) - Аллоҳ билан бўлиш, унинг жамолига етишиш талаби руҳнинг муҳимлигини англайди. “Даст ба кору, дил ба Ёр” тана ва руҳни ўзаро алоқадорликда эканлигини, тана камолоти учун руҳ ва руҳнинг юксалиши учун тананинг зарурлигини кўрсатади. Демакки, инсон камолоти учун фақат тана, ёки фақат руҳ эмас, икковига ҳам махсус эътибор қаратиш зарур.

Баҳоуддин Нақшбанд инсоннинг ўз-ўзини англаши учун зарур бўлган қуйидаги руҳий камолот йўллариغا тўхталиб ўтган: “Ориф кишилар топа оладиган ва бошқалар топа олмайдиган йўл уч қисмга - мушоқабга, (Аллоҳ васлига етишмоқ йўлида дунёвий боғланишлардан узишмоқ, Аллоҳдан келадиган файзга интизор бўлмоқ.) мушоҳада (бизга кўринмас оламда бўлган ҳолат (яхши ёки ёмон) нинг қалбга тушиши) ва муҳосабага (ўтган ҳар бир соатимизни ҳисоблаш ва текшириш) бўлинган.” [6-232].

Нақшбандия таълимотига кўра “зикри хуфия”, ҳалол лўқма ва ўз меҳнати билан кун кечирини инсонни риёдан поклайди, унинг қалбида ҳасад, кибр, таъмага ўрин қолдирмайди. Ушбу тариқат йўлини танлаган солиқ ўз касбу кори орқасидан ўзини, ўз оиласини таъминлабгина қолмай, улар ўз ота-оналари, қариндош уруғлари, фарзандлари олдидан бурчларини ҳам тўла адо этадилар, шунингдек, муҳтожларга ҳам ёрдам бера оладиган чиройли хулқ эгалари бўладилар.

Инсон ўзига қандай қудрат ато этилганлигини ҳис қилолмайди. Нақшбандия тариқатининг Хожа Ахрори Валийдан кейинги даврдаги пири муршиди, "Шаҳбози баландпарвози" ("баландпарвоз лочини"), "Пири шасти" ("Олтмиш муридни тарбиялаб, камолот чўққисига етказган пир")[5-17]. унвонларига эга бўлган Маҳдуми Аъзам таълимоти инсонни шу қудрат сари етаклайди.

Маҳдуми Аъзам ўз асарларида, хусусан, "Рисолаи вужудия" асаарида инсон умрининг турли босқичлари ҳақида маълумот бериб, уларнинг ҳар бирини тасаввуф нуқтаи назаридан изоҳлайди. Шунинг билан бирга, инсонга умр ҳам ўлчаниб берилганлиги, дунёга ортиқча муҳаббат қўймаслик, балки боқий ҳаёт саналмиш охират учун кўпроқ хайрли ишлар қилиб қолиш зарурлиги ҳақида таълимот беради.

Маҳдуми Аъзам аввало инсон ким?, нима мақсадда яралган? каби масалаларни ёритиб, кейин тана ва руҳ алоқадорлигига тўхталган.

Инсон жисми руҳ ва бадандан ташкил топган борлиқ, бўлиб, унинг руҳи "илоҳий руҳдан" ва "раббоний амр"дан, бадани эса "тупроқ" ва "балчиқ" дан ташкил топган. Латоиф руҳ жисм бўлган баданга киргач, моддий унсурларнинг унга кўрсатган таъсирлари натижасида асл софлигига зиён етказганлигидан ва инсон камолоти фақатгина руҳнинг софлигини муҳофаза қилиш орқали мумкинлиги ва руҳнинг бадан устидан ғалаба қозониши учун чора-тадбирлар кўриш тасаввуфнинг ғоясидир[6-73], деган фикрни айтади. Мутафаккирнинг фикрига кўра инсонда руҳ ҳам битта, жисм ҳам битта, фақат руҳнинг даражалари ҳар хил: жисм руҳга, руҳ жисмга мувофиқ, бир-биридан ажралмайди. Жисм билан руҳ бирга ривожланади ва комиликка эришгунча камолот босқичларидан кўтарилиб бораверади. Бу назария эса инсонни маънавий баркамолликдан комиликка сари олиб чиқиш йўллари, яъни ахлоқнинг етуклиги категориясидир.

Маҳдуми Аъзам ёзишича: "Чун одамро фиристодем берун, жамоли хеш ба сахро ниҳодем. Ҳамчуноне, ки подшоҳони мажози вақте, ки хоҳанд, ки ба вилояте раванд, он шаҳрро биёроянд бо чаҳорбоғҳо. Баъд аз ин подшо биёяд ва худро жилва диҳад бар халқи он шаҳру диёр. Ҳамчунин Ҳақ субҳона ва таоло хост, ки худро дар дунё жилва диҳад аз **хок** таркиби ў сурате сохт ва он суратро одам ном ниҳод"[7-17]. Мазмуни: "Одамни юбориб ўз жамолимизни сахрога чиқардик. Бу шунга ўхшайдик, мажозий подшоҳлар бирор вилоятга бормоқчи бўлсалар шаҳар ва боғларга оройиш берадилар. Шундан кейин подшоҳ ўша шаҳру диёрнинг халқига ўзини жилва этади. Худди шунингдек Ҳақ субҳона ва таоло бу оламда ўзини тажалли этмоқчи бўлди. Шунинг учун **тупроқдан** сурат ясади ва бу суратга одам деб ном қўйди." Яъни, **одам асли илоҳий, танаси тупроқ ва ҳайвон руҳидан иборат.**

Яъни, Ҳақ таоло ўз мақсад - муродига етиш, ўзининг сиру асрорини жиллаш учун инсонга тупроқдан тана, тананинг ҳаракатланиши ва инсонга маркаб бўлиб хизмат қилиши учун ҳайвоний руҳ ва оламни илоҳийликка уйғун қилиш учун унга илоҳий руҳни киритди.

Инсон қалбини Ҳақ ўз тахтгоҳи ва иморати қилиб ясади. Ҳақ шу тахтни - инсон қалбига ўттириди. Ҳайвоний руҳни уни маркаби(улови) этди ва унга миниб юришни буюриб, дунёга юборди токи, ўзини дунёга жилва этса. Демак, инсон илоҳий хилқатдир ва у илоҳий Амр билан яралиб Аллоҳ жамол ва жалолини намоёниш этиш ва уни билиш учун дунёга келган.

Маҳдуми Аъзам шунингдек, танани инсон камолоти учун восита деб ҳам қараган. Мутасаввиф танани вужуди мажозий, фоний деб қарайди, лекин уни керакли деб билади. У бўлмаса инсон юрмайди, ниятини амалга ошира олмайди. Дарҳақиқат, илм олиш учун мактабга қатнаш, бировга яхшилик қилиш, эзгу амалларни бажариш, "Даст ба кор"шиорини амалга ошириш, "Хилват дар анжуман" учун ҳам тана **восита** сифатида зарур.

Демак, танага, бир томондан, восита, бошқа томондан маркаб, учинчи томондан, ҳайвоний руҳ кириб олган махлуқот сифатида Маҳдуми Аъзам томонидан баҳо берилмоқда.

Демак, тана ривожини руҳ ривожига асос бўлар экан, юқоридаги шартларга қўшимча сифатида жисмнинг дунё ишига машғул бўлиши, шу билан бирга унга боғланмасдан фориг бўлиши "Даст ба кору дил ба ёр" ҳолатида бўлишликни тақозо этади.

Ҳайвоний руҳ ҳайвоний нафсни вужудга келтиради. Унга хос сифатлар - ейиш, ичиш, ётиш, шаҳвоний истақдир. Инсоний нафс илоҳий руҳ асосида вужудга келади ва унга ибодат, эшитиш, кўриш калом айтиш кабилар хосдир.

Маҳдуми Аъзам инсоний руҳни одам эъзозлаши ва ҳар бир дамни қадрлаши лозим деб, қуйидаги мисраларни ёзган:

Як панд бас аст дар ҳар ду олам,  
Ки бирононат зи жонат бе худо дам.  
Агар ҳозир мўмини, агар ғофили кофири,  
Машав ки мояи зулумот ғофили аст[7-17].

*Мазмуни:*

Сенга икки олам учун бир ўғит етарлидир,  
Худосиз бўлган ҳар бир дамни ҳам ҳайда, йўқот.  
Агар ҳозир (огоҳ) сен мўминсен,  
Ғофил бўлсанг кофирсан.  
Ғофил бўлмаки, зулматда абадий қоласан.

Демак, тана ва руҳнинг камолотида мўътадиллик, яъни руҳ танага ва аксинча тана руҳга ўзаро таъсир кўрсатиб туради. Натижада руҳий камолотга

эришган қалб ўз навбатида танани фаолликка ундайди. Комилликка эришишнинг энг мақбул йўли - бу тана ибодат, илм ўрганмоқ, ўзига ва жамиятга манфаат келтирувчи фаолият билан мунтазам машғул бўлса, руҳ юксакликка парвоз қилади.

Шундай қилиб, Махдуми Аъзамнинг комил инсон фалсафасининг асл мазмуни – инсон ўзлигининг англаши деган ғояни илгари сураётган экан, ушбу таърифга кўра, комиллик – инсон деган улғу номга муносиблик, Аллоҳ инсониятни ана шу комил инсонлар борлиги учун яратган, одамлар орасида комил инсонлар борлиги учун жами мавжудот одамзодга сажда қилади, мавжудотлар ичида комил инсондан улғуроқ, донороқ ва олийроқ зот йўқ, одамлар коинотнинг қаймоғи, хулосаси бўлсалар, комил инсон одамларнинг мукаммали ва хулосасидир. Комил инсонга парвардигор томонидан кўрсатилган бунчалик ҳурмат эътиборнинг, олий эҳтиромнинг боиси унинг ҳам илоҳий, ҳам дунёвий такомилга эришгани учундир, чунки у ҳеч кимдан хизматини дариф тутмайди, тили, қўли, моли билан ўзгалар ёрдамига шошилади. Демак, “комил инсонлар Аллоҳнинг суюкли бандалари, чунки улар парвардигорнинг асл мақсадини рўёбга чиқариш учун яратилганлар” [7-18].

Демак, баркамол, комил инсон мақомига етишиш учун кишиларда ҳам жисмоний етуклик, ҳам маънавий – ахлоқий камолот уйғун бўлиши ва бу муштараклик – тавҳид инсон қалбида юксалмоғи ва мустаҳкам ўрин олмоғи баркамолликнинг муҳим шартидир.

#### References:

1. A.Abdurahmonov. Saodatga eltuvchi bilim. T.: Movarounnahr. 2000 y, 231 b.
2. Komilov N. Tasavvuf. Birinchi kitob. T.: “YOzuvchi”, 1996 y, 145 b.
3. Aziziddin Nasafiy. “Zubdat-ul-haqoyiq”. N. Komilov tarjimasini, T.: “Kamalak”, 1995, 42 b.
4. Navro‘zova G. Naqshbandiya tasavvufiy ta’limoti va barkamol inson tarbiyasi. T.: “Fan”, 2005. 232 b.
5. Jabborov N. Maxdumi A’zam Dahbediy. Toshkent, 1993 y., 8, 17 betlar.
6. Zoyirov E. Maxdumi A’zamning falsafiy va ijtimoiy-siyosiy qarashlari. T.: “Turon zamin ziyo”, 2015, 73 b.
7. Xojagiy Ahmad Kosoniy. “Risolai vujudiya”, Qo’lyozma. O’z.R. FASHI inventar №501